



ХОЮ ХАВАС
НАДОМАТ
КЕЛТИРМАСИН

2 ▶

ИНСОНПАРВАРЛИК МЕЗОНИ

3 ▶



ДАВРА 6
ТЎРИДАГИ
УСТОЗ

ТЎЙГА БОРСАНГ... 8 ▶



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМсан, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Муҳаммад Карим ШОМУРОДОВ
сурат-лавҳаси.

Ижоднинг сирли лаҳзалари



“ОБУНЯ – 2014”

“Оила ва жамият”

газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар! Унутманг, сеvimли газетангизга обуна давом этмоқда.

Индекс — 176



ҲИКМАТ

Агар бузрук ва до-нолардан бўлмоқни хоҳласанг, ўз сура-тингни бошқалар ойнасида кўргин.

Жалолиддин
ДАВВОНИЙ

Асосий Қонунимиз бўлган Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинлиги олий қадрият сифатида белгиланган.

Маълумки, ҳуқуқ ва эркинликлар, бурч ва мажбуриятлар ҳам инсоннинг хулқ-атворини акс эттиради. Бирок, ҳуқуқ инсоннинг ҳаракат қилиш имкониятини билдирса, бурч заруриятни билдиради.

Конституциянинг 2-моддасидаёқ "Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар" деб белгиланганлигининг ўзи Бош Қомусимизнинг инсонпарварликка асосланган мазмун-моҳиятини яққол англатади.

Давлат яхлитлигича ҳам, ўзининг органлари тимсолида ҳам, мансабдор шахслар орқали ҳам давлат ҳокимиятчилигининг манбаи бўлган халқ, яъни ўз фуқаролари олдида мажбурияти борлигини англатади. Буни давлат ҳаракатда бўлиши учун инсонлар бўлиши, бу инсонлар маълум ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда давлатга суяниши мумкин, деб тушуниш ўринлидир. Зеро, барча нарсанинг бунёдкори бу инсондир. Унинг эркин ва озод яшашида қонунлар кўмак беради. Давлат фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди.

Ҳар бир жамиятнинг етакчи кучи — инсон. У жамият ривожланишида, таркиб топишида асосий ўринни эгаллайди. Инсон дунёга келишдан то умрининг охиригача меҳнат қилади. Яшаш учун интилади. Жамиятга ўзининг борлигини сездириб, ижтимоий ҳаётда иштирок этади. Ўз навбатида жамиятнинг ривожланиши

ИНСОНПАРВАРЛИК МЕЗОНИ



кўпинча инсоннинг онги билан боғлиқ ҳолда рўй беради.

Инсон ҳуқуқлари давлат томонидан рўхсат этилган, ман қилинган ёки унинг ўз хоҳиши билан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳуқуқларга бўлинади. Масалан, инсон туғилиши билан унга исми қўйиш, ота-онасини аниқлаш, фамилиясини кўрсатиш, фуқаролигини белгилаш ҳуқуқи давлат томонидан назорат қилинса, унга исми танлаш эса ота-онанинг шахсий ҳуқуқи саналади. Демак, инсон туғилишидан бошлаб ўзи сезар-сезмас ҳолатда ҳуқуқ, эркинликларга эга бўла боради, маълум ёшдан бошлаб ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис эта бошлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нафақат юридик норма, яъни мажбурий характерга эга бўлган қоида ва принциплар, балки ахлоқий жиҳатлари билан ҳам ажра-

либ туради. Масалан:

— хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги (46-модда);

— воёга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги (45-модда);

— оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги (63-модда);

— давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириши (64-модда);

— оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши (65-модда);

— воёга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурликлари (66-модда) Конституциямизнинг

чуқур ахлоқий аҳамиятга эга эканлигини белгилайди. Шарқ халқларига хос бўлган кўпгина ахлоқий қарашлар қоида, норма сифатида Конституцияда белгилангани унинг миллий характерини кўрсатади. Бу қоидалар Асосий Қонунимизнинг бошқа давлатлар Конституцияларидан фарқли жиҳатларидир.

Инсон ҳуқуқларига оид бир қатор халқро ҳужжатлар — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт, Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, аёллар тенг ҳуқуқлилиги тўғрисида халқро ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларда белгиланган асосий принцип ва қоидалар Конституциямизда давлати топган. Шунингдек, ақлининг фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурликлари (66-модда) Конституциямизда бўлади.

Булар эса Конституциямизнинг халқро аҳамиятга эга эканлигини ифодалайди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари Конституцияда алоҳида боб ва моддаларда мустақил нормаларда акс эттирилган. Давлат бошқаруви ташкил этилаётган ва амалга оширилаётганда аввало инсон ҳуқуқларига нисбатан бўлган тамойил ва қарашлардан келиб чиқиб бошқаруви амалга оширади.

Инсоннинг сиёсий қарашлари амалга ошириш учун сиёсий партияларга кириши, давлат бошқарувида қатнашиши учун ўзи ёки сайлаган вакиллари орқали бошқарувида иштирок этиш, мамлакат ҳудудда эркин кўчиб юриши ва бошқа шу каби қоидалар ҳам давлатнинг фуқаролар олдидаги мажбуриятини белгилайди. Давлатнинг мажбуриятлар оланлиги ўз-ўзидан инсонга кафолат берилишидир.

Жамиятга қонун устуворлигини таъминлаш амалда инсон ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлашга олиб келади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий принцип ва талаби ҳам айнан қонунларга риоя этиш, қонунларни ижро этиш, қонунларни тушунтириш, қонунбузарликка қарши курашиш ва бошқа шу каби муҳим омилларга асосланади.

Бобоқул ТОШЕВ,
Юристар малакасини
ошириш маркази
кафедра мудири,
юридик фанлар доктори.

Мустақиллик, фуқаролик жамияти ва демократия тушунчалари ўртасидаги узвий алоқадорлик муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мустақил мамлакатни демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти институтларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис юртимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ демократик янгилашни, эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўли танлаб олинди.

Шуниси диққатга сазоворки, олдимизга қўйилган асосий мақсад ва устувор вазифалар мамлакатимизни эркинлаштириш ва модернизация қилиш борасида узокни кўзлайдиган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилига асосланган. Бу — демократик ислохотларимиз изчил ва тадрижий, босқичма-босқич ва узлуксиз тизимли жараён эканининг яна бир исботидир.

Фуқаролик жамиятининг ноёб ва бетакрор миллий институти бўлмиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жумладан, миллий демократия мактаби — маҳаллалар фақат бизнинг халқимиз турмуш тарзига, жамиятимиз ҳаётигагина хос экани ҳам шундан далолат беради. Ҳозирги кунда юртимиздаги фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари сони қарийб ўн минггача ташкил этади. Улар фақат бизнинг халқимиз турмуш тарзига, жамиятимиз ҳаётигагина хос миллий демократия мактабидир. Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётини ва давлат қурилишини демократлаштиришда фуқаролик жамияти институтлари ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини

таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки фақат эркин, молиявий жиҳатдан мустақил фуқаролик жамияти институтларига ўз олдида турган вазифаларни тўлақонли эҳтиёт билан оладилар.

Юртимизда бугун кўпубай ижобий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган фуқаролик жамияти институтларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш асосида соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни ошириш, баркамол авлоднинг тарбиялаш соҳаларида юзлаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.

Шу билан бирга, республикамизда ахборот соҳасини босқичма-босқич демократик ислохот этиш, бу жараённинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги бўйича конституциявий ҳуқуқларини тўлақонли амалга ошириш, ислохотларнинг ошқоралиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадли комплекс ишлар амалга оширилаётган.

Буларнинг барчаси давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитаётган буюк Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси шарофати туфайлидир.

М. ШАРИПОВА,
Косоний тумани 1-сон
ДНИ нотариуси.

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР КАФОЛАТИ

Бундан роппа-роса 21 йил аввал қабул қилинган мустақил давлатимиз Конституцияси чин маънода ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлида ўзига хос пойдевор вазифасини ўтаб келмоқда. Бугун у фуқаролик жамияти барқарорлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонуний кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аъёнлари хурмат қилинишини таъминламоқда, уларнинг ривожланиши учун шароит яратмоқда.

Энг асосийси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шахсий дахлсизлиги, сўз эркинлиги, фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги, эътиқод эркинлиги, жамоат ва бирлашмалар эркинлиги ҳам Бош қомусимизда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бошқа давлатлар Конституциясидан фарқли ижобий томони шундаки, унда оила боби ҳамда маҳалла институтлари нормалари алоҳида ўрин олган. Оила давлат муҳофазасида эканлиги, жамият ва давлатнинг оилага моддий ва маънавий ёрдам бериши, оналик ва болаликнинг муҳофаза қилиниши, етим болаларни ва ота-оналар васийлигидан маҳрум бўлган болаларнинг давлат таъминотида бўлиши, тарбияланиши ва ўқитилиши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириши каби конституцион нормалар болажон халқимизнинг аъёнаний урф-одатларига тўла мос келади.

Конституциямизда давлат ва жамият, энг аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши устувор тамойил сифатида белгилаб қўйилганлиги Ватанимиз тараққиёти ва халқимизнинг порлоқ келажаги учун гоятда муҳим кафолатдир.

Наргиза НУРНАЗАРОВА,
Жомбой туман ФХДё бўлими мудири.

Азизахон Каримова — Чортоқ шахрида туғилган. Тошкент давлат санъат ва маданият (собик театр ва рассомчилик) институтини тамомлаган. Йигирма саккиз йилдан буён Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрида фаолият юритиб келади.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрами арафасида бир гуруҳ юртошларимиз қаторида у ҳам Президентимиз Фармонига биноан, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» унвони билан тақдирланди.

Азизахон КАРИМОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист:

ҲАР АЁЛ ҚАЛБИДА ОЙБАРЧИН ЯШАЙДИ!

— Азиза опа, инсон ҳаёт йўлини танлашида болаликдаги орзуларнинг ҳам ўзига яраша ўрни бўлади...

— Албатта, болалигимда устоз санъаткор Ҳабибахоним Охунованинг кўшиқларини жон-дилим билан тинглардим. «Гулсара» драмасида устоз яратган Гулсара образи кўз ўнгимда муҳрланиб қолган. Саҳналарда роль ўйнаш, куйлаш энг катта орзуларимдан бирига айланган эди.

Институтнинг мусиқали драма факультетида халқ артистлари Бахтиёр Ихтиёрлов, Хусан Шариповлардан санъат сирларини ўргандим. 2-босқичда ўқиётганимда, «Гулсара» драмаси Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида қайтадан саҳналаштирилмайдиган бўлди. Бош роль — Гулсара роли учун танлов ўтказилган танловда ҳайбат аъзолари мени танлашди. Катта саҳнада халқимизнинг сеvimли санъаткорлари — Ҳамза Умаров ва Наима Пулатовалар билан ёнма-ён роль ижро этдим.

— Вилоят мусиқали драма ва комедия театридаги илк ижодий қадамларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Институти тугатиб, бироз вақт Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида ишладим. 1988 йилда Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрига ишга келдим. Бу ерда Ҳабиба Охунова ҳамда бир қатор катта истеъдод эгаларидан иборат жуда аҳил, ҳамжиҳат жамоа шакллانган эди.

«Телба дунё» спектаклида бош роль — адашган талаба киз образини ишониб топширишди. Кўп ўтмай, «Алпомиш» саҳнага қўйилди, унда Ойбарчинни ва яна бир қатор ролларни ўйнадим. Албатта, бу жараёнда устозларим, партнёр ва ҳамкасбларимдан саҳнанинг кўп сирларини ўргандим ва ҳамон ўрганиб келялман.

Биласизми, йиллар ўтгани сайин саҳнанинг ўзига яраша жозибаси, меҳри борлигини дилдан ҳис этиб боравердим ва театр ҳаётининг мазмунига айланди.

— Санъат фидойиликларини кўпроқ ва қутилмаганда талаб этади, деганлари қай даражада рост?

— Баъзан шундай вақтлар бўлар эканки, аёл, фарзанд, она эканлигинг боис, қайси-дир маънода, юрагингни қоқ иккига бўлишинга ҳам тўғри келаркан. 2000 йилда дадам юрак хуруғи туфайли оламдан



ўтди. Уч кундан сўнг жамоамиз «Андижон баҳори» театр фестивалида «Қирол Лирнинг набиралари» спектакли билан қатнашиши ва мен унда бош ролни ижро этишим керак эди. Бутун жамоа биргина менинг бошимга тушган мусибат сабаб фестивалда иштирок эта олмаслиги оилар мобайнида кўрилган тайёргарлик, сарфланган меҳнат, куч-ғайратни ҳавога совуриш билан баробар эди. Нафақат мен, ҳеч бир санъаткор бундай йўл тутолмасди. Хуллас, отамнинг маъракаси кунни жамоа билан фестивалга жўнаб кетдим, унда муваффақиятли иштирок этдик.

Ўтган йил қишда эса онам вафот этди. Волидам ҳаётининг сўнгги кунларида шифохонанинг жонлантириш бўлимида ётувди. Ҳамма фарзандлар онамнинг олдидан бир қадам нари кета олмасдик. Шундай ҳавотирли бир кунда администраторимиз кўнгирок қилди. Шу кунни «Азиз» номи спектакль қўйилиши керак, чипталар сотиб бўлинган экан. Олдимда икки йўл турарди. Бири — томошабин ҳурмати, бири — фарзандлик бурчи, меҳри. Юрагининг ярмини онамга ташлаб кетдим гўё.

Бордим, спектакль жуда яхши ўтди. Кўзимда ёш билан касалхонага қушдек учдим. Этиб келганим ҳамон онам қўлимда жон бердилар...

Мен буларни фидойилик маъносиде гапирмаялман, бу — бурч, масъулият. Уни унуттишга, ҳар қандай вазиятда ўзидан соқит қилишга санъаткор ҳақли эмас, менимча.

— Актёр бўлишингизга ота-онангизнинг муносабатлари қандай эди?

— Онам раҳматли оддий уй бекаси эди, лекин санъаткор

бўлишимни жуда-жуда хоҳларди. Муқимий театрида ишлаган кезларимда эринмай Тошкентга келиб, мен роль ўйнаган спектаклларни томоша қиларди. Уйимизнинг тўрида дутор осиглиқ турарди. Отам уни тез-тез қўлига олиб, чертиб, куйлар, достонлардан парчалар айтарди. Айниқса, «Тоҳир ва Зухра» достонидан парчалар куйлаганида,

отамнинг юрагида санъатга кучли меҳр борлигини сезиш қийин эмасди. Шундай бўлсада, Тошкентда ўқийман деганимда, отам аввалида буни истамасди. Ниятим жиддийлигини билгач: «Қизим, майли, ўқи, санъаткор бўл. Лекин вақти келиб турмуш қурганингдан сўнг оилани биринчи ўринга қўсан, акс ҳолда, мени каттиқ ранжитган бўласан», деди.

Турмуш ўртоғим Иномжон Носиралиев — театршунос. Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар вилоят илмий-услубий марказида бўлим мудири бўлиб ишлайди.

— Фарзандларингиз ҳам санъат йўлини танлашди-ми?

— Фарзандларимиз ўзлари танлаган соҳада олий маълумотли бўлишганидан хурсандман. Ҳозирда тўнғич қизимиз Назоқатхон банк ходими, Нафосатхон — коллежда ўқитувчи. Эгиз фарзандларимиз Ҳасанбой ва Ҳусанбойлар спортни танлашди. Тўрт нафар неварамиз бор.

«Обод турмуш йили» бизнинг оиламиз учун ҳам ниҳоятда омадли келди. Мен давлатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирландим. Бу биргина менинг эмас, бутун театр жамоасининг меҳнатига берилган эътибор, деб ҳисоблайман.

Турмуш ўртоғим «Энг намунали услубият хонаси» кўрик-танловининг республика босқичида «Нашр ишларини амалга оширишда самарали фаолият кўрсатган услубчи» номинацияси бўйича голиб деб топилди. Ўғлимиз Ҳусанбой қўл жанги спорти бўйича 75 кг. вазнлилар ўрта-сўида ўтказилган Ўзбекистон кубоги мусобақасида 1-ўринни эгаллади.

Гурунг



— Томошабинларга бир қатор видеофильмлар орқали ҳам танишсиз. Қолаверса, вокал артисти сифатида овоз имкониятингиз кучли. Мақом йўналишида кўшиқлар ижро этасиз. Ҳабиба Охунова куйлаган «Кўнгил», «Олам аро», «Бизнинг айвон...» номли кўшиқлар сизнинг ижронгизда ҳам маҳорат ила куйланган.

— Видеофильмлардаги ролларим учун «Ўзбекистон» телеканали режиссёрларидан миннатдорман. Дастлаб «Муҳаббатингни асра» видеофильмида қатнашдим. Сўнгра «Яхши одамлар» видеофильмидаги Нигора ролини менга ишониб топширишди. «Оқибат» да ҳам бош роллардан бирини ўйнадим. Бу роллар қай даражада ижро этилганига, албатта, томошабин баҳо беради.

Хонандалик ҳақида ўйласам, кулоқларим остида Ҳабибахоним Охунованинг кўшиқлари жаранглайверади. Устозлар даражасидаги ижрони ўзимдан талаб қилгим келади. Ундай маҳорат, ижро, қобилият — табиатнинг ноёб ҳодисаси, деб биламан. Сизга бир воқеани айтиб берай. 2004 йилда Ашхабодда бўлиб ўтган халқаро театр фестивалида «Бог» спектакли билан қатнашдик. Фестиваль ниҳоясида гала-концерт бўлиб ўтди. Унда қатор миллатларнинг аллалари ижро этилди. Мен Ҳабиба Охунова ижро этган «Алла»ни куйладим. Ишонасизми, алла айтарканман, ўзбек тилини тунунмайдиغان бошқа миллат вакиллари ушбу концерт ўзбекча алла билан ниҳояланди. Шу лаҳзаларда ўзбек санъатининг қудратига яна бир қарра тан бердим.

— Қайси ролингизни ўзгача иштиёқ билан ижро этасиз?

— «Аёл кечирмайди» спектаклида бош шифокор Мақсуда Ҳамидовна, «Тўйлар муборак» да Кимё, «Машраб» да Бибисалима, «Бог» да Азиза, «Ўлдинг — азиз бўлдинг» да Ойдона каби образларим ҳақида томошабинлардан илиқ фикрларни эшитаман. Таҳсил олган йилларимизда устозларимиздан бири: «Саҳнада ёлғондан йиғлама, ёлғондан кулма. Бу билан ўзингни алдайсан, ҳолос. Сен образда ростдан яшамас экансан, томошабинни ишонтиролмайсан», деган гапни қайта-қайта айтарди. Шу маънода ҳар гал саҳнада, ҳақиқатан, яшашга ҳаракат қиламан. Ижро этган ролларининг аксарияти ижобий, кўнглимга жуда яқин.

Айниқса, «Алпомиш» даги Ойбарчинни ўйнаганимда, чарчоқни ҳис этмасдим. Бу миллий гурур, ор-номусни ҳар нарсадан устун қўйган образга бўлган ҳурматим, меҳрим чексиз. Тилагим, ҳар бир аёл қалбида Ойбарчин яшасин. Аёл орли, гурурли бўлсин. Шунда миллат фарзандлари мард бўлиб улғаяди.

«Оила ва жамият»
муҳбири
Шахло ТОШБЕКОВА
субхатлашди.



МҮЙЛОВ — бу сўз «туқ» маъносини англатувчи «мўй» сўзига «дудок» маъносидеги «лаб» сўзининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Шунинг учун «мўйлов» сўзининг «мўйлаб» шакли ҳам бор.

Ўртада чордона куриб ўтирган мўйлов — Рўзи полвон.

Тоғай Мурод

ПИШАНГ — бу сўз халқ тилида кўп ишлатилади ва шу сўз иштирокида «пишанг берди» деган ибора ҳам пайдо бўлган. Хўш, «пишанг» сўзи асли қандай маънога эга?

«Пишанг» сўзи «ричак» сўзининг ўзбек тилидаги муқобилидир. «Пишанг бермоқ» ибораси ҳам шундан келиб чиқиб, бу ибора бирор хатти-ҳаракатга ундаш, атайлаб гижгижламоқ мазмунини ифодалайди.

Вишканинг тепасидаги пишангнинг ўқи сал қийшайиб қолган экан.

Пиримкул Қодиров

Мамат қассоб, одатда, мушталашувга аралашмайди, бир четда ўғилларига пишанг бериб туради.


Журналдан

РЕЗАВОР — тилимизда боғдорчилик экинлари ва уларнинг мевалари маъносини англатган «резавор» сўзи асли «майда-чуйда» деган мазмунни ифодалайди. Шунингдек, овқатга солиш учун ишлатиладиган кўкат ва сабзавотлар ҳам «резавор» деб аталади.

Сабзавот, мева ҳамда резаворларнинг ўзбекча тансиқ таомлар тайёрлашда аҳамияти каттадир.

Журналдан

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.



компаниясининг Ўзбекистондаги масъул вакили
**8 ДЕКАБРЬ – КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ
21 ЙИЛЛИГИ**
муносабати билан барча юртдошларимизни
самимий қутлайди!
Компаниямиз шиори —
“Соғлиқ — муҳаббат — ҳолис хизмат!”

Барчангизга сихат-саломатлик, бахту саодат ҳар
доим йўлдош бўлишини тилаймиз!



Жанубий Кореянинг NUGA BEST компаниясининг массаж
жихозлари савдо-намоиш залида БЕПУЛ сеансларини
қабул қилишга таклиф қиламиз

Умуртқа поғонасини
тўғрилаш



Қон айланишини
яхшилаш

Асабни
тинчлантириш

Соғлиқни тез тиклаш

Тошкент ш., Чилонзор, 12-мавзе, “Ширин” кўчаси, 54-уй
(мулк: Республика дизайнерлик коллежи)
Конт. тел.: (998 98) 362 19 99, (99894) 69 69 888
www.nugabest.uz e-mail: devroninat@mail.ru

Иш тартиби:
9-00 дан 18-00 гача
Шанба, Яқшанба дам олиш кунлари

РЕКЛАМА



Компаниядан
янгилык Miracle II

Миостимулятор-
камар

Махсулотлар сертификатланган (№1338702) ва
лицензияланган (US0298).

NUGA BEST массажёри дунёда тан олинган муҳаббатсиз-
лар томонидан турли хил касалликларни даволашда самар-
рали деб тошилган. Жумладан, у умуртқа поғонаси фаолия-
ти ва этилувчанлигини тиклайди (умуртқа поғонаси чурра-
си), юрак-қон касалликлари, қандли диабет, буйрак асо-
ратлари, нафас йўллари сиқилиши (астма), оёқ қон томир-
лари кенгайиши (варикоз) асоратларини, бавосил (гемор-
рой), аёллар касалликлари ва простатитни даволайди.

Паст частотали NUGA BEST камари орқали тери ости-
даги ёғлар эритилади.

Хурматли Қаҳрамон ака!

Сизни таваллуд айёмингиз билан таб-
риқлаймиз. Узоқ умр, сихат-саломатлик,
ишларингизда муваффақият тилаймиз.
Барча орзу-ниятларингиз рўёбга чиқиши-
га тилакдошмиз.



«Nuga Best» компанияси жамоаси

Тошкент шаҳрида фаолият
олиб бораётган
“КИЙИМ”

очиқ акциядорлик жамияти
жамоаси

барча юртдошларимизни бахт-
иқболимиз пойдевори, қонуний адолат,
инсоний бағрикенглик мезони бўлган

8 декабрь

Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул
қилинганлигининг 21 йиллик
байрами муносабати билан
чин дилдан қутлайди!

Асосий Қонунимизнинг 53-модда-
сида “Давлат истеъмолчиларнинг ҳу-
қуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқти-
содий фаолият, тадбиркорлик ва меҳ-
нат қилиш эркинлигини, барча мулк
шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва
ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳо-
фаза этилишини кафолатлайди”, деб
белгилаб қўйилган. Демак, тадбир-
корлик фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан ҳар
томонлама кафолатланган.

Байрамингиз муборак бўлсин,
мухтарам юртдошлар!

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

куйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 3 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва дилеяция — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МУЎЛЖАЛ: Юнусобод дехкон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЛЖАЛ: Қуйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 2013 йил 27 ноябрдаги 47-сонида эълон қилинган “Сайлов: ишчи гуруҳининг ваколати” мақоласида “... ушбу гуруҳ таркибига маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчилари киритилмайди” жумласи “Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Қонунига мувофиқ тарзда “Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини органларининг бошқа ходимлари, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларнинг, фуқаролар йиғини органларининг бошқа ходимларининг яқин қариндошлари ишчи гуруҳ таркибига киритилиши мумкин эмас”, “... унинг таклифига биноан маслаҳатчилар ва котиб сайланади, бунда раиснинг розилиги билан эски таркиб қолдирилиши ҳам мумкин” деган жумла “Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари бўйича фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) бир ой ичида фуқаролар йиғини кенгашини шакллантиради, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва тағтиш комиссиясини сайлайди”, деб ўқилсин.

ДАВРА ТЎРИДАГИ УСТОЗ

Дунёда ўқитувчиликдаги машаққатли ва масъулиятли касб йўқлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Бу эътироф кўп бора таъкидлангани боис ортиқча изоҳга ҳолат йўқ. Ҳўш, устозлик макомига эришмоқ осонми?

Чироқчи туманидаги Умакай қишлоғи аҳли Ҳамид Бердиевни кўп йиллардан бери устоз деб эъзозлайди, катта-кичик давраларнинг тўрига ўтказилади. Албатта, бундай самимий эътиромга эришмоқ у кишига энгил кечмаган.

...Самарканд давлат университетининг тарих факультетини тугатиб, ўзи туғилиб ўсган қишлоққа ишга келган Ҳамид ака аввалига ёши улуг, тажрибали муаллимлардан йўл-йўриқ, маслаҳат олди. Изланувчанлиги, тиришқоқлиги туфайли тез орада ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди. Орадан кўп вақт ўтмади ва 134-мактаб жамоаси унинг номзодини директорликка тавсия қилишди. Дарвоқе, бундай юксак ишончини оқлаш учун бетиним меҳнат ва улкан сабот лозимлигини чин дилдан ҳис этган устоз элдошларига суянди, улардан куч ва руҳ олди. Сал кам ўн беш йиллик директорлик фаолияти давомида чекка бир қишлоқ мактабини нафақат туманда, балки вилоят миқёсида ҳам намунали илм даргоҳи сифатида танилишига ҳисса қўшди. Бугунги кунда қаламқаш ва спортчилар, олим ва педагоглар, хуллас, турли соҳа вакиллари Ҳамид Бердиевни гарчи кексалик гаштини сураётган бўлса-да, бизнинг асл устозимиз дея фахрланиб тилга олади. Бундай эътиромдан унинг боши кўкка етади.

Ҳамид Бердиев ҳикояси:

— Бир қизик воқеа халигача эсимда: қайси йил эканлиги аниқ эсимда йўқ, аълочи ўқувчиларимдан бири: "Домла, мухбирлар ҳам ёлгончи бўладими, туман газетасини ўқидингизми,



мен ҳақимда қоқоқ, яхши ўзлаштирмайдиган ўқувчи деб ёзишибди. Ваҳоланки, ўша мақолани ёзган киши мен билан умуман кўришмаган-ку, бундай бўлмағур гапларни у осмондан олганми, қишлоқдошларим олдида уялиб қолдим, илтимос, ёрдам беринг", деб кўзларида ёш билан кириб келди. Ёшгина ўсмирнинг юрагидан отилиб чиқаётган аламли сўзлар менга каттиқ таъсир қилди ва: "Сени бутун мактаб энг намунали ўқувчи эканлигингни яхши билади-ку, шошмай тур, бундай бўҳтон гапни ёзган мухбирни, керак бўлса бу ёққа чақириб, ҳаммининг олдида сендан кечирим сўратаман!" деб унга ваъда бердим. Ўша кунгич тахририят билан боғланиб, муаллифни топдим ва у зудлик билан етиб келиб, кўнгли ўқсик ўқувчимиздан кечирим сўради... Ўша бола,

Замондошларимиз

ишонасизми, шундан кейин янада яхши ўқишга интилди ва мактабимизни аъло баҳолар билан тугатиб, Тошкентдаги нуфузли олий ўқув юртиларидан бирига ўқишга кирди. Айни пайтда пойтахтда ўз касбининг яхши мутахассиси. Ҳозир ҳам қишлоққа йўли тушса, мени йўқлаб кетади...

Ҳамид ака ўтган йиллар оралигида кўпчиликнинг дуосини олди. Кўлидан келгунича одамларга эзгулик улашди. Бугун устознинг ибратли оиласида ҳар томонлама етук таълим-тарбия кўрган фарзандлари ҳам ўзлари танилаган соҳаларда ҳалол меҳнат қилишяпти.

— Шогирдсиз устоз қанотсиз қушга ўхшайди. Шу маънода мен ҳам бошқа ҳамкасбларимга ўхшаб, ишончимни оқлай олган шогирдларим билан ҳақли равишда фахрланаман, — дейди Ҳамид ака тўлқинланиб. — Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимига алоҳида гамхўрлик кўрсатилаётгани боис бугунги кунда қишлоқ жойларидаги мактаблар ҳам бутунлай янгича қиёфага эга бўлиб бормоқда. Оддий мисол, яқиндагина бизнинг қишлоқда ҳам икки қаватли гўзал ва шинам мактаб биноси қуриб битказилди. Ҳозирги ёшларга яратиб берилаётган шароитларни кўриб, ҳаваси келади одамнинг. Биз ўқиган ёки ишлаган замонларда шундай имкониятлар бормиди? Менинг тилагим, фарзандларимиз бундай гамхўрликка муносиб равишда энди ҳар томонлама пухта билим эгаллашлари керак. Чунки энди ёруғ келажак уларники-да.

Илҳом ЖУМАНОВ,
"Оила ва жамият" мухбири.

ТАКОМИЛАШУВ БОСҚИЧЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 майдаги "Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қароридан ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 2013 йил 1 июлдан бошлаб давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турлари рўйхати тасдиқланган. Шунингдек, фақат товарнинг бир қисми бўлган ва унинг қийматига кирувчи истеъмол ушакковасида (идишда) бевосита чакана савдога тушувчи товарлар мажбурий тартибда маркировка қилиниши белгилаб қўйилган.

Қарорда 2013 йил 1 июлгача «вақтинча сақлаш» боғжона режимига жойлаштирилган ва 2013 йил 1 июлдан кейин эркин муомаллага чиқарилган истеъмол товарлари давлат тилида маркировка қилинмасдан чакана савдо тармоғида 2014 йил 1 январгача сотилиши, 2013 йил 1 июлгача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомаллага чиқарилган истеъмол товарлари давлат тилида маркировка қилинмасдан чакана савдо тармоғида 2014 йил 1 январгача сотилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат тилида маркировка қилинган ва 2013 йил 1 июлгача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомаллага чиқарилган истеъмол товарлари давлат тилидаги ушбу маркировка билан чакана савдо тармоғида 2014 йил 1 январгача сотилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Таъкидлаш жойки, қарорда мажбурий тартибда давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган, импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турлари маркиров-

ЗУЛФИЯЧИ ҚИЗЛАР САРАЛАНМОҚДА

Қарши шаҳридаги "Ёшлар маркази"да Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларини аниқлаш бўйича ўтказилаётган танловнинг вилоят босқичида 75 нафар киз иштирок этди ва турли йўналишлар бўйича ўз

маҳоратларини йиғилганлар эътиборига ҳавола этдилар. Белгиланган аънавий шартларни муваффақиятли бажарганлар танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритишди.

Ҳуқуқий тарғибот

ка қилинмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилиши тақиқланган. Мажбурий тартибда давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган, импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турлари маркировка қилинмасдан сотилиши ҳолига, қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўрилган ҳолда, савдо қоидаларини бузиш (ҳужжатлари мавжуд бўлмаган товарларни сотиш) сифатида қаралиши таъкидланган.

Товарнинг асосий истеъмол хусусиятлари, ишлаб чиқариш санаси, ишлаб чиқарувчининг (бажарувчининг) кафолат мажбуриятлари, товардан самарали ва хавфсиз тарзда фойдаланиш қоида ва шартлари, товарни ишлаштириш (унинг ярқилини) муддати, ишлаб чиқарувчи (бажарувчи, сотувчи) ва истеъмолчидан даъво қилиш юзасидан улар томонидан ваколат берилган, шунингдек, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажарувчи корхоналарнинг манзиллари, сақлаш ва хавфсиз утилдиштириш усули ҳақидаги маълумотлар истеъмол идишига қўйиладиган маркировкада бўлиши керак. Товар маркировкаси (этикетка, бирка, лейбл)да ва истеъмолчи учун фойдаланишга доир илова ҳужжатларидаги ахборот, товарнинг тури ва техник жиҳатдан мураккаблигига қараб, бевосита муайян товарга матн кўринишидаги ҳужжат (паспорт, формуляр, қўллаш учун кўрсатма ва бошқалар) сифатида илова қилинади.

Эндиликда харид қилаётган товарларимиз ҳақидаги маълумотлар билан она тилимизда танишиш имконига эгамиз. Юртимизга четдан кириб келаётган товарларни давлат тилида маркалаш ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиршига хизмат қилади ва истеъмолчилар учун қўшимча қулайликлар туғдиради.

Тоҳиржон ТОНПЎЛАТОВ,
Тошкент шаҳар Учтепа туман ДСИ бўлим бошлиғи.

Танлов

Айни кунларда бошқа вилоятларда ҳам мазкур танловнинг вилоят босқичлари қизгин давом этмоқда.

Жамшид СУЛТОНОВ,
Қашқадарё вилояти.

Бу қизиқ!

Ҳиди ошкор қилади

Тери саратонини ҳосил қилувчи ҳужайралар, соғлом ҳужайралардан ўзига хос ҳиди билан ажралиб туради. Эндиликда олимлар бу ҳидни аниқловчи махсус қурилма яратишди. Қурилма саратонни бошланғич давридаёқ аниқлаб, унинг даво чораларини кўришга эртароқ имкон яратади.

Ёғнинг ҳам фойдаси бор экан

Олимларнинг сўнгги тадқиқотлари натижасида семиз кишилар организмидagi ёғ захираси қариганда уларни энергия билан таъминлаши маълум бўлди. Аммо бунда ортиқча вазн хаддан ташқари кўп бўлмаслиги керак. Негаки организмни ёғ босиб кетиши кўпинча бевақт ўлим билан тугайди.

Кулупнай — тишни оқартиради

Таркиби кальций, оксил ва минералларга бой бўлган сут махсулотлари, кулупнай (унда оқартирувчи модда бор), тоза ичимлик суви ва япроқли сабзавотларда қарнесга қарши курашувчи антибактериал моддалар борлиги туфайли булар учун жуда фойдали экан. Тишларим соғлом бўлсин десангиз, ана шу махсулотларни ҳар кун истеъмол қилиб туринг.

Кулги дарахти

Яқин Шарқ мамлакатларида бир ўсимлик борки, ўзига хос ажойиб хислати учун уни маҳаллий халқ "кулги дарахти" деб атади. Дарахт паст бўйли ва кўрimsиз бўлиб, мевасининг катталиги ловиядек келади. Мевасини истеъмол қилган киши қийқириб кула бошлайди. Кулги дарахти кишига чамаси бир соат хуш кайфият бахш этади. Имоди келмаган киши, иши юришмаган савдогар, овдан ўлжасиз қайтган сайёх, тиш оғриғига дучор бўлган одам ёки оиласидан ранжиб қанқанлар кулги дарахти мевасидан истеъмол қилиб, кўнглини ёзиши ҳам мумкин.



Йўлбарсларни сақлаб қолиш керак!

"Титаник" фильми орқали барчамизга маълум бўлган машҳур актёр Леонардо Ди Каприо яқинда Бутунжаҳон ёввойи табиат фонди (WWF) учун йўлбарсларни кўпайтириш мақсадига 3 миллион доллар эҳсон қилди. "Айни пайтда бутун дунё бўйича йўлбарсларнинг сони бор-йўғи 3,2 мингга ташқил қиларкан. Улар тез орада йўқолиб кетиш хавфи остида турибди. Жониворларни асраб қолиш бизнинг бурчимиздир", дейди Ди Каприо Бутунжаҳон фондида берган кўрсатмаларида. Бу, хайр-эҳсон, албатта, таниқли актёр ҳаётидаги биринчиси эмас.



Интернет маълумотлари асосида ЗАРИНА тайёрлади.



КАРТОШКА МУЗЕЙИ

Бельгиянинг Брюгге шаҳрида энг оммалашган "фаст-фуд", яъни тез-пишар таомлар туркумида етакчилик қилувчи "картошка-фри"га бағишланган "Фриет Мюзеум" («Friet Museum») номли янги музей очилди. Дарвоқе, аксарият бельгияликлар фикрича, энг кенг тарқалган снэклар, яъни энгил газакларнинг Ватани айнан Бельгия ҳисобланади.

Музейга ташриф буюрганлар бу ерда картошка тарихи билан яқиндан танишиши, уларнинг турли навлари ҳақида маълумотлар олиши, картошкадан тайёрланадиган кўплаб таомларнинг тайёрлини усулларини ўрганиши, фотосуратлар, мақола ва фильмлар орқали бундай таомларга қўшиладиган зирворлар ҳамда қайлалар ҳақида билиб олишлари мумкин. Бельгиянинг энг мохир ошпаз-мутахассислари сайёҳларга бу ажойиб маҳсулотнинг қизиқарли тарихидан тортиб, барча фойдали хусусиятларига сўзлаб беришади.

СУПЕРАВТОБУС

Амстердам шаҳрида ўтказилган "Миллионер Файр" (Millionaire Fair) кўргазмасида нархи 13 миллион евро деб баҳоланган антиқа автобуснинг оригинал нусхаси кенг оммага намойиш этилди. Узунлиги нақ 15 метр келадиган ушбу суперавтобус (Superbus) космик ракеталар қурилишида ишлатиладиган углерод пластидан ясалган.

Суперавтобусга ўрнатилган мураккаб электрон мосламадан бошқа турдаги автобусларда учрамайди.



Янги технологиялар асосида юқори сифат билан ишланган деталларнинг бекаму кўст фаолияти эвазига, одатда, бошқа автобуслар 100 километр соат тезлик учун зарур бўладиган қувватни сарфлаб, бу машина соати 250 километр тезликда ҳаракатлана олади. Орқа бўлмада жойлашган қудратли аккумуляторлар суперавтобус учун қувват манбаи бўлиб хизмат қилади.

Антиқа автобус ўз узунлиги бўйлаб алоҳида бўлма-кабиналарга ажратилган бўлиб, ҳар бир кабинада йўловчилар учун сафар чоғида зарур бўладиган барча қулайликлар яратилган ва хавфсизлик чоралари кафолатланган. Автомобил 23 ўриндиққа эга бўлиб, йўловчилар унга ҳар икки томондан чиқиб олишлари мумкин. Яъни, суперавтобуснинг ҳар икки томонида саккизтадан эшик бор. Эшиклар тепага очилиб, худди чағалай қанотларини эслатади.

Мақур антиқа машина нусхасини тақдим этган "Богдан" корпорацияси ҳозирча уни конвейр усулида ишлаб чиқариш ниятида эмас.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

ОПАСИНИНГ КАСРИ...

Беш қизимни ўқитиб, тўрттовини турмушга узатдим. Аммо биттасининг бахти чопмади. Куёвимизнинг касби ҳайдовчи. Кечаси ишлайди. Нафс йўлига юриб, қизимга хиёнат қилгани етмагандек, жазманидан орттирган касаллигини унга ҳам юқтиришга улғурибди. Бор-будимизни сарфлаб, қизимни даволатдик. Ҳозир унинг соғлиги жойида. Аммо ажрашишга қарор қилди. Куёвим тавба-тазарру қилиб келса ҳам кечирмадик. Қизимнинг ажрашиш сабабини соддалик қилиб қўшни аёлларга айтиб қўйибман. Энди биздан ҳамма ўзини олиб қочаяпти. Опасининг бу тақдири кенжа қизим Дилбарнинг бахтига соя соляпти. Уни сўроқлаб келган совчилар маҳалладан қайтиб кетишмоқда. Қизимнинг ёши 25 да. Нуфузли банклардан бирида ишлайди. Оғир-босик, мулоим табиатли. Ўз касб-корига эга, иймонли-эътиқодли 35 ёшгача бўлган инсон учраса, узатиш ниятидаман.

БАХРИ АЯ,
Тошкент шаҳри.

ТўНГИЧ ҚИЗИНИНГ ТАҚДИРИ

Мен Жиззах вилоятида яшайман. Сизларга ҳамкасбим, маслаҳатгўйим, Ноила опамнинг тақдирига қайғуриб, мактуб йўлламоқдаман. Унинг ёши 35 да. Оиласида тўнғич фарзанд бўлгани учун отаси оламдан ўтгач, оила ташвишини ўз зиммасига олган. Синглисини узатиб, укасини уйлантирди, 60 ёшли онасига қарашди ва алақибат ёши ўтиб қолди. Ахир у ҳам кимнингдир суюкли ёри, ширин фарзандларнинг онаси бўлишга ҳақли-ку! Жиззах ёки қўшни вилоятда яшовчи турмушидан ажрашган,

оиласи ва фарзандлари учун меҳрини аямайдиган 40-45 ёшгача бўлган инсон бўлса Ноилахонни узатардик. **ШОҲИСТА, Жиззах вилояти.**

УЧ ҚОРАКЎЗНИ ЎЙЛАЙМАН

Ёшим 36 да. Турмуш ўртоғим Сожидахон билан уч нафар фарзандни тарбияладик. Каттаси бу йил бирин-



Бахтли бўлинг

чи синфга ўқишга борди. Ўртанчаси билан кенжатоғим боғчада. Бундан уч йил илгари аёлим кўкрак беши саратонига учраб оламдан ўтди. Мен-ку тақдиримга кўндим, аммо фарзандларим бу жудоликни кўтара олишмаяпти. Айниса, кенжатоғим ҳар кунни овқат маҳали: "Дада, ойм қачон келади", деб сўрайди. "Ойинг шифоҳонада ётибди, тузалса, албатта, келадим", деб алдаб юпатаман. Катта қизим кўз қири билан менга қараб қўяди-ю,

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» руқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

ШОЛҒОМ

Табиаат — дорихона

Шолғом Марказий Осиёда энг сеvimли сабзавотлардан бири ҳисобланади. Унинг таркибида инсон саломатлиги учун фойдали элементлар, қатрон, жуда кўп миқдордан витамин С ва ўзига хос ҳид эфирли турувчи гликозидлар бор. Шу билан бирга унинг умумий таркибида каротин, пантотен кислотаси, минерал тузлар, пентазон, сахарозалар мавжуд.

Пиширилганда шифобахшлиги янада ортади. Чунки пишириш жараёнида ундаги гликозид хантал мойига айланади. Шунда у иштахани яхшилаб, асаб толарини уйғотиш хусусиятига эга бўлади.

Ибн Сино ўпка, нафас йўли касалликларида, харорат кўтарилганда, юрак бетоқат бўлганда шолғом истеъмол қилишни тавсия этган. Шунингдек, шолғомнинг ўртаси ўйилиб, мум ва гулмой солиниб, кўрда кўмилгани билан тери касалликларини, совуқдан пайдо бўлган яра ва ёрилишларни даволагани маълум.


Унинг қайнатмаси нафас қисилганда, кўксов касаллигида, кучли йўтал вақтида, ўткир ларингит, шамоллаш оқибатида овоз йўқолганда, уйқусизликда ижобий натижа беради.

Шакар ёки асал билан бирга шолғом шарбати йўтал қолдирувчи восита ҳисобланади. Бунинг учун шакарли шолғом шарбатидан кунига уч-тўрт маҳал бир ош қошиқдан ичилса, бемор дарддан фориғ бўлади.

Бундан ташқари, балғам кўчирувчи, сийдик ҳайдовчи малҳам сифатида ундан қайнатма шўрва тайёрлаб ичиш фойдалидир. Димланган шолғом эса меъда-ичак йўли фаолиятини бир мунча уйғунлаштиради.

Икки ош қошиқ майдаланган шолғом устига бир стакан қайноқ сув солиб, 15 дақиқа давомида қайнатилади ва ундан чорак стакандан ичилса, шамоллашга даво бўлади. Ушбу қайнатма уйқудан олдин бир стакандан истеъмол қилиб турилса, тинчлантирувчи дори ўрнини ҳам ўтайди. Томоқ ҳамда тиш оғриғида қайнатма билан фарғара қилинса, кони фойдадир.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.



ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Паст пошнаги пойабзалдан бирданига баландга ўтиш ярамайди. Агар узоқ вақт мобайнида баланд пошнаги пойабзал киймаган бўлсангиз, қулайроқ пошналисини кийишдан бошланг. ***

Оёқ кийими харид қилаётганда пойабзални ўтирган ҳолатда кийиб кўринг. Озгина бўлса ҳам нуқулаллик ҳис этсангиз, уни сотиб олмаганингиз маъқул. ***

Тумовга қарши томчи-дориларга зўр берманг: вақт ўтган сайин уларнинг таъсири камаяди, ортқича фойдаланиш эса бурундаги шиллик қаватнинг зарарланишига олиб келади. ***

Аллергия туфайли кўзларингиз қизарса, совуқ сувда қайнаг. ***

Сочларингиз ялтираб туришини истасангиз, уларни юваётганда шампунга бир-икки томчи бодом ёғи қўшиб юборинг. ***

Дамлаган чойингиз хуштаб ва мазали бўлиши учун қайнаб совиган сувдан фойдаланманг. Яхшиси, водопроводдан олинган сувни қайнатганингиз маъқул. Бунда сувдаги микроэлементлар маълум даражада сақланиб қолади.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.



ТҮЙГА БОРСАНГ...

Яқинда бир танишим ўғлини улантирди. Ҳашаматли, ичи ажойиб нақшлар билан безалган тўйхонада аънамага кўра бошловчи йигит келин-куёвнинг дўстларидан тўрт нафарини даврага чорлади. Чиройли қадамлар ташлаб сахна тўрига етиб келган дугоналарнинг новчароғи микрофони кўлига олгач, "Келин-куёв бахтли бўлсин", деди қисқа қилиб. "Мен ҳам дугонанинг сўзларига кўшилам", деди иккинчи қиз ҳам шоша-пиша. Сўнг навбати ўтганидан енгил тортиб, микрофони йигитларга тутқазди. Иликроқ бир сўз эшитиш ниятида барча меҳмонлар йигитларга юзланди. Ҳар қалай улар гапга чечанроқ чиқиб қолишди. Сардор исмли йигит сўз бошлашдан олдин, ўнг кўлини йигитлар томонга баланд кўтариб, "жимлик сақлансин" деган ишорани қилди. Ҳамма сукутда. Йигит микрофонга яқинроқ келиб: "Дўстим, Салимжон! Сенга битта тилагим бор. Ўн та ўғилнинг отаси бўлгин. Биринчиси Мессига, иккинчиси Рональдога, қолганлари ўзинга ўхшасин", дея гапини тугатгани ҳамон даврада қийқирик бошланди.

Бундай сўзлардан иккинчи куёв

жўра ҳам рухланиб кетди шекилли, дабдурустдан шеър айтиб қолди: "Гулнораҳон, гул юзли, гул қизларнинг гулнози, оғайнимиз Салимжон йигитларнинг хўрози"...

Даврада яна қийқирик кўтарилди. Табрик сўзини "қойиллатган" куёвжў-



рлар келиннинг дугоналари билан ўйинга тушишди. Ёшлар тили билан айтганда, бундай "оригинал" сўзлардан завқи ошган куёв йигит ҳам ўридан тура келиб, дўстларига кўшилди. Бу ўйиндан кўра кўпроқ тўс-тўполонга ўхшарди.

— Эссизгина, шу тўйни деб сериалимни ташлаб келибман-а, — деди

ёнимдаги ҳамроҳим норози оҳанда.

— Биз яқин дугонамизнинг тўйига боришдан бир ҳафта олдин шеърый китобларни варақлаб, энг чиройли тилаклар битилган қаторларни ёдлаб олардик, — деди меҳмон аёлларнинг ёши кексароғи. — Ҳозирги ёшлар тўйга бориш учун фақат либос танлаш-у, сочларини ажабтовур турмаклаш билан овора. Буларнинг ҳаммаси китоб ўқимаганликдан келиб чиқади...

...Куз тўйлар мавсуми. Кимдир қиз узатиш, ким эса ўғлининг бошини иккита қилай деган ниятда дастурхон ёзиб, қариндош-уруғ, дўсту биродарларини тўйхонага чорлайди. Афсуски, айримлар тўй-маросимларга фақатгина ўйин-кулг қилиш, еб-ичиш учун борилади, деб ўйлашади. Аслида тўйхона маънавият нури тарқаладиган гўша бўлмоғи ҳам лозим. Дўстлар дийдорлашиб, бир-бирлари билан фикр алмашиб қайтади. Келган одамлар тўйга кетказган вақтига оғринмайди. Ана шундагина оила оstonасига қадам қўяётган келин-куёвларнинг никоҳ оқшоми видео тасмаларидагина эмас, балки инсонларнинг хотирасида ҳам бир умр муҳрланиб қолган бўлармиди...

Нигора АЛИШЕР қизи



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида таэквондо WTF бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати якунланди.

Ўғил болалар ўртасида 45 килограмм вазн тоифасида жиззахлик Суҳроб Бобобеков Ўзбекистон терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларда голиб чиққан Ниёзбек Пўлатовни мағлубиятга учратди.

Пойтахтлик Шаҳриёр Субҳонов 55 килограмм вазн тоифасидаги финал учрашувида ўсмирлар ўртасидаги Осиё ўйинлари совриндори, фарғоналик Ғанижон Хуриллаевни мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Қолган олтин медаллар Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Валентин Хегай, Руслан Шин, пойтахтлик Шаҳбоз Шофайзиев, Камронбек Яхшибоев, жиззахлик Хуриш Абдукаримов, бухоролик Нодир Раҳматов, фарғоналик Ботир Давлатов, Саидолим Нўмонов ва Тошкент вилояти вакили Аббор Тўраевга насиб этди.

Қизлар ўртасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари – Нигора Турсунқулова, Умида Абдуллаева, пойтахтлик Зарина Абдуллаева, Юлия Макарова, Тошкент вилояти вакиллари Раъно Бойбўтаева, Динора Мамадиброҳимова, самарқандлик Ситора Эргашева, фарғоналик Мухлиса Рўзматова, жиззахлик Гўзал Сулаймонова ва Венера Мирзамаҳмудова Ўзбекистон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

УЛАР СОЧИГА БОРИШАДИ

Ўзбекистонлик икки нафар паралимпиячи 2014 йилнинг 7-16 март кунлари Россиянинг Сочи шаҳрида бўладиган XI кишки Паралимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритди.

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасида маълум қилишларича, Голландияда кишки спорт турлари бўйича ўтказилган халқаро турнирда пойтахтлик Евгений Слепов сноуборд, сирдарёлик Равил Ғиёсов тоғ чангиси бўйича мусобақада Паралимпия ўйинлари лицензиясига эга бўлган.

Шундай қилиб, беш спортчимиз кишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштирок этадиган бўлди. Эслатиб ўтамиз, фигурали уччи бўйича мамлакатимиз чемпиони Миша Ге, тоғ чангиси бўйича Артём Воронов ва Ксения Григорьева ҳисобида ҳам Олимпия ўйинлари йўлланмаси бор.

Интернет манбалари асосида
И. ЖУМАНОВ тайёрлади.

ТАЪМИНОТ БЕКОР ҚИЛИНГАН

Ўн йилча аввал суд қарори билан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинганман. Икки нафар фарзандимга иш жойимдан ўз вақтида алимент тўлаб келганман. Ҳозир эса Ёлғизман ва олаётган нафақам дори-дармон, эхтиёжимга етмаяпти. Болаларимдан таъминотим учун пул талаб қилишга ҳақлиманми?

С. Мўминов.

Суд қарори билан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота ёки она ўзига тегишли болаларига нисбатан қариндошлик фактига асосланган ҳамма ҳуқуқлардан маҳрум бўлади. Шунингдек, ота ёки она кексайганда, меҳнатга қобилиятсиз ва ёрдамга муҳтож бўлиб қолганида вояга етган болаларидан таъминот талаб қилиш ҳуқуқини ҳам йўқотади.

Саволга Самарқанд туман ФХДё бўлими мудири Шоҳида САЪДУЛЛАЕВА жавоб берди.

300 КУН ИЧИДА ТУГИЛГАН БЎЛСА...

Боланинг насл-насабини белгилашда қандай асослар мавжуд?
А.Суярова.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 60-моддасига асосан, боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) ФХДё бўлими томонидан тиббий муассасанинг ҳужжатларига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса, бошқа далилларга асосан белгиланади.

Аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаганидан сўнг уч юз кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади.

Агар никоҳ тугаганидан кейин уч юз кун ичида бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби ҳусусида низолашиш ҳуқуқига эга.

ЭЪЛОН! ЭЪЛОН! ЭЪЛОН! ЭЪЛОН! ЭЪЛОН!

I-гурӯх ногирони Махамаджанова Шоҳиста Махаматшукуровна номига 15.05.2013 йилда берилган серия O'zR №000449 рақамли шаҳар йўловчилар транспортида берул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Рауов Зафар Юсулович номига 08.10.2013 йилда берилган серия O'zR №004839 рақамли шаҳар йўловчилар транспортида берул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Саволларга Жиззах вилояти Янгиобод тумани ФХДё бўлими мудири Гулзода ҲАЙДАРОВА жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оналарни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



9 772010 760007

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРОМОНОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусаҳҳихлар — Саидғана САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

123/5

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 йилда рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1228. Формати А3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 6560. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46